

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА  
СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**308** Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2577-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2014 йил 20 мартдаги 14, 25, 15-ққ ва 08-05-04-сон қарори (рўйхат рақами 2577, 2014 йил 28 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 18-сон, 202-модда) билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**У. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
3-мҳ-сон

**Молия вазири**

**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
38-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

308-модда

— 256 —

17 (777)-сон

**Маданият вазири**

**М. МУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
1-сон

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги  
бош директори ўринбосари**

**К. МАНСУРОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
20-мх-сон

**Жисмоний тарбия ва спорт  
давлат қўмитаси раиси**

**Р. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 апрель,  
1-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги,  
Маданият вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат  
қўмитасининг 2017 йил 11 апрелдаги  
3-мх, 38, 1, 20-мх ва 1-мх-сон қарорига  
ИЛОВА

**Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик  
қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**дарслик** — давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастури асо-  
сида дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеник талаб-  
ларга жавоб берадиган, ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, унинг  
асослари мукамал ўзлаштирилишига қаратилган, ўқув фанининг мақсад  
ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим олувчиларнинг ёши ва психо-  
физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган, наза-  
рий маълумотлардан ташқари амалий-тажриба ва синов машқларини кам-  
раб олган китоб шаклидаги ўқув наشري;»;

тўртинчи хатбошидаги «Халқ таълими вазирлиги» деган сўзлар  
«Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён мат-

**17 (777)-сон**

**— 257 —**

**308-309-моддалар**

нда Халқ таълими вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6 ва 7-иловалардаги «ХХТУТ» деган қисқартмалар «ИФУТ» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.